RESEARCH
SUPPORT CENTER

"PROSPECTS FOR THE INTRODUCTION OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE"

Collection of conference materials

www.research-support-center.com

OPTIMIZATION OF CONDITIONS FOR MARKERS SSR DURING MOLECULAR STUDY OF GENETIC STRUCTURE AND DIVERSITY OF COTTON VARIETIES 164
HOW MANY GRAINS ARE WE LOST IN THE SEASON 171
CONTINUOUS AND TERMS OF WORK PERFORMED IN ARTIFICIAL MOTHER BEES 180
SOME FEATURES OF SOIL-AGROCLIMATIC CONDITIONS OF THE REPUBLIC OF BASHKORTOSTAN (RUSSIA) 190
INDUSTRIAL PRODUCTION OF BREEDING QUEEN CELLS 199
ECOLOGICAL CULTURE IS A DEMAND OF TODAY 211
THE ROLE OF WATER AND SALT IN THE LIFE OF BEES 215
PARAMETERS OF THE WORKING BODY OF ROOT CROPS 220
ADVANCED PITCH WAX PRODUCTION TECHNOLOGY 226
INFLUENCE OF BIOLOGICAL AND TECHNOLOGICAL FACTORS ON WAX PRODUCTION 235
PEDOGEOCHEMISTRY OF RADIACTIVE ELEMENTS IN HIDROMORHP SOILS 245
COEFFICIENT BIOLOGICAL ABSORPTION OF HEAVY METALS IN MEDICINAL PLANTS 252
USE OF ORGANIC FERTILIZERS, PREPARED FROM LOCAL WASTE, TO IMPROVE THE PROPERTIES OF MEADOW SULF SOILS 260
DISPARITY OF PRICE IN THE AGROINDUSTRIAL COMPLEX AND WAYS OF OVERCOMING 267
PROBLEMS OF TAKING AGROMETEOROLOGICAL PROPERTIES IN SOIL SALINIZATION 277
INCREASING PRODUCTIVITY OF OIL REMOVED SOILS 285
ON ANALYSIS OF CHEMICAL ELEMENTS IN THE SOIL-ONION SYSTEM 291
BREEDING BREEDS RECOMMENDED FROM ABROAD 300
SEASONAL DYNAMICS OF SOIL NEMATODES 312
DIVERSITY OF THE FLORA OF UZBEKISTAN AND THEIR RATIONAL USE 320
EFFECTS OF DEEP TILLAGE OF COTTON ROWS ON COTTON YIELD 326
CURRENT STATE OF SOILS OF THE SHAKHRIKHANSAY CONE 332
THE EFFECT OF DEEP PROCESSING ON COTTON YIELD BETWEEN COTTON ROWS 341
USE OF BIOLOGICALLY ACTIVE SUBSTANCES IN PEST CONTROL 347
QUARANTIC FACILITIES OF PLANTS IN GREENHOUSES AND WAYS TO INCREASE THE EFFICIENCY OF FIGHTING AGAINST THEM 355

PECULIARITIES OF THE INFLUENCE OF CLIMATIC CONDITIONS ON THE MORPHOLOGICAL AND BIOCHEMICAL COMPOSITION OF THE BLOOD OF BULLS OF TRANSPORTED CATTLE 361
EFFECT OF HUMIC PREPARATION ON PHOSPHORUS REGIME OF CALCIC CHERNOZEM UNDER THE PEAS 368

3
https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1341

DISPARITY OF PRICE IN THE AGROINDUSTRIAL COMPLEX AND WAYS OF OVERCOMING

Tangirov Abdukholik Egamovich Candidate of Economic Sciences,
Associate Professor of the Department of
Economic Efficiency and Accounting in Livestock,
Samarkand Institute of Veterinary Medicine
tangirov57@bk.Ru
Nurmanov Sherzod Khuzhayarovich
Assistant of the Department of Economic Efficiency and Accounting in
Livestock of the Samarkand Institute of Veterinary Medicine

Аннотация. Баҳолар диспаритети барқарор ривожланишига йўл қўймаётган муҳим омилардан биридир. Шу сабабли агросаноат мажмуаси ривожланишида баҳонинг аҳамияти, баҳолар диспаритетини келтириб чиқарувчи омиллар ўрганилган ва паритет баҳоларни шакллантириш йўллари асослаб берилган.

***Калит сўзлар*:** баҳо, баҳо шаклланиши, баҳолар диспаритети, паритет баҳо, харажат, улгуржи баҳо, харид баҳо.

Аннотация. Диспаритет цен - один из важных факторов, препятствующих устойчивому развитию. Поэтому, исследуется значение цен в развитии агропромышленного комплекса а также факторы приводящие к диспаритетам цен, и обосновываются способы формирования паритетных цен.

Ключевые слова: цена, формирования цена, диспаритет цена, паритет цена, затраты, оптовая цена, закупочная цена.

Abstract. Disparity in prices is one of the important factors hindering sustainable development. Therefore, the importance of prices in the development of the agro-industrial complex is investigated, as well as factors leading to price disparities, and the methods of forming parity prices are substantiated.

***Keywords*:** price, price formation, price disparity, price parity, costs, wholesale price, purchase price.

Агросаноат мажмуасининг турли корхоналари ўртасидаги баҳолар даражасининг мақбул нисбати қишлоқ хўжалиги соҳасини самарали ишлаши учун асосий мезон ҳисобланади.

Жаҳон амалиёти кўрсатдики, саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган ишлаб чиқариш воситалари нархлари ва кўрсатиладиган хизматлар тарифлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозоридаги баҳоларга нисбатан бир неча баробар тез ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасида баҳолар диспаритети муаммоси алоҳида долзарбликни касб этмоқда. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим элементи баҳолар ҳисобланади. Давлат баҳолардан иқтисодий восита сифатида фойдаланиб, устувор тармоқлар ва ишлаб чиқариш ривожланишини рағбатлантириши ёки ноқулай шароитда катта миқдорда моддий харажатлар ва ишчи кучи талаб қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни секинлаштириши мумкин.

Баҳолар агросаноат мажмуасининг алоҳида бўлимлари, соҳалари рентабеллик даражасини, уларнинг ўзаро ишлаб чиқариш алоқаларининг манфаатли асосда ривожланишини, ривожланиш шартларини, ишчи ва ходимларни моддий рағбатлантириш даражасини белгилайди.

Агросаноат мажмуаси корхоналари маҳсулотларига баҳолар ва кўрстиладиган хизматларга тарифларни белгилаш механизми илмий тадқиқотлар учун муҳум аҳамиятга эга. Асосий эътибор, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларининг эквивалент тармоқлараро алмашинувини асослашга, харид баҳоларининг асосий даражасини белгилашда объектив иқтисодий омилларни ва баҳоларда маҳсулот сифати тўлиқ ҳисобга олинишга қаратилади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги тармоқлари маҳсулотларга самардорли баҳони шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурияти туғилади.

Шу билан бирга, айни пайтда кўплаб қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари мувозанатли баҳо сиёсатини ишлаб чиқишда етарли тажрибага эга эмаслар, бу эса баҳолар диспариретнинг сабабларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мамлакат иқтисодиётда баҳо белгилашнинг асосий усули бозор усули ҳисобланади. Маълумки, бозор баҳоси - бу харажатлар, тўловга қодир талаб, эркин рақобат, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солниш даражаси, тармоқларнинг монополлашиш даражаси ва бошқа каби кўплаб кўрсаткичларнинг мажмуасидир. Дарҳақиқат, ҳозирги шароитда аксарият

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига баҳо белгилашда бу усул қўлланилмайди, чунки сотилган маҳсулотлар таркибида зарарига сотиладиган маҳсулотлар улуши юқори.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун реал бозор баҳоси аҳолининг паст тўловга қодир талаби, маҳсулот сотиш учун маданийлашган бозорнинг йўқлиги, турли воситачиларнинг фаол таъсири, қайта ишлаш корхоналарининг монополияси шароитида шакилланмокда.

Шундай қилиб, бозор баҳолари ўзининг классик моҳиятига асосланган ҳолда мамлакатимиз агросаноат мажмуаси корхоналарида аслида қўлланилмайди.

Ҳозирги шароитда бозор баҳоларини давлат томонидан жиддий қўллабқувватланмасдан амалда қўлланилиши қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларининг тўлиқ зарар билан ишлашига олиб келади, чунки қишлоқ хўжалиги корхоналари манфаатлари асосида шаклланган таклиф баҳолари эркин бозордаги талаб баҳоларидан сезиларли даражада ошиб кетади.

Агросаноат мажмуасининг турли корхоналари ўртасидаги баҳолар даражасининг мақбул нисбати мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғининг самарадорли ишлаши учун асосий восита ҳисобланади.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларидаги диспаритет қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг жадал иқтисодий

ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Баҳолар диспаритети икки шаклда намоён бўлади:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериладиган товар ва хизматлар баҳолари харажатлардан юқори белгиланиши;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид баҳоларини харажатларни қоплаш даражасидан пастроқ белгилаш. Шу билан бирга, бир қатор иқтисодчилар бозор муносабатларига ўтиш билан баҳолар нисбати янгидан шаклланади деб баҳоларнинг тенгсизлигини инкор этмоқдалар.

Мамлакат агросаноат мажмуаси таркибий қисмлари ривожланишида номутаносибликлар мавжуд. Масалан, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳоларида диспаритет мавжуд. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги баҳолар саноат корхоналари товарлари, ишлаб чиқариш ва техник, транспорт ва қурилиш хизматлари нархларига нисбатан секинроқ суръатларда ўсмоқда, бу эса баҳолар диспаритетини келтириб чиқаради.

Бозор муносабатларининг ушбу салбий ҳодисаси давлат назорати остида бўлиши керак. Бундай вазиятда давлат ҳам истеъмолчилар, ҳам ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баҳоларни тартибга солиши керак. Баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш паритет концепциясига асосланган бўлиши керак.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайдиган агросаноат мажмуасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатларнинг номутаносиб улушини давлат ўз зиммасига олишга мажбур. Бунга бозор иқтисодиётининг салбий томонлари, хусусан, аҳолининг турли қатламларининг номутаносиб даромадлари, инфляция ва ишсизликнинг юқори даражалари ва бошқалар қўшилади.

Баҳо диспаритети муаммоси асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарияти бозор конъюнктурасини ўрганмайдилар ва нима бўлишлигини кутишади. Кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар баҳоларни шакллантиришнинг асосий усули сифатида энергия ресурслари, қишлоқ хўжалиги техникаси, уруғлар, емхашак нархларининг кутилаётган кўтарилишини ҳисобга олиб, маҳсулот таннархидан фойдаланадилар ҳамда баҳоларни белгилашди.

Шу билан бирга, қайта ишлаш корхоналари ва йирик улгуржи ташкилотлар агросаноат мажмуаси маҳсулотлари баҳолари шаклланиши ва даражасига ўз манффатларидан келиб чиқиб кучли таъсир кўрсатмоқда. Давлат тузилмаларининг баҳолар шаклланишдаги роли(ғалла ва пахтадан ташқари) эса минималдир. Бундай вазиятда корхоналарининг жуда кам қисми ўз маҳсулотларига баҳоларни шакллантириш учун зарур бўлган рентабеллик даражасидан фойдаланади.

Кўпгина ҳолларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва сотиб олиш бўйича битимлар тасодифий характерга эга бўлиб, бу шерикларни топиш, шартномаларни бажариш ва маркетинг маълумотларини ўрганиш учун юқори транзакция харажатлари билан боғлиқ. Шу билан бирга, баҳолар диспаритети пайдо бўлиши бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига боғлиқ бўлмаган бир қатор сабаблари ҳам мавжуд. Асосий сабаб - сотиб олиш баҳоларининг пастлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчилар яъни рақобатчилар камлиги билан изоҳланади. Натижада, қайта ишлаш корхоналари сотиб олиш баҳоларини монополистик тарзда белгилашади.

Бундай ҳолатнинг юзага келишига асосий сабаб амалдаги қонунчиликдир. Унга кўра агросаноат мажмуаси маҳсулотларига баҳолар маҳаллий бозор конъюнтураси ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади. Бозор баҳоларини аниқлаш усуллари қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан муваффақиятли ўзлаштирилган ва қўлланилганига қарамай, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича шартномалар бевосита мустақил воситачилар томонидан тузилади. Бу кўплаб қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳаллий монополист таъсирида бўлишига олиб келади.

Буларнинг барчаси ҳудуддаги қишлоқ ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига баҳолар шаклланишининг амалдаги тизими расман бозорга асосланганлигини келтириб чиқаради. Амалиётда эса баҳоларни

шакллантириш асосан харидорларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ва қишлоқ ишлаб чиқарувчилари манфаатлари ҳисобга олинмайди.

Ҳудуднинг эркин озиқ-овқат бозорида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари импорт маҳсулотни етказиб берувчилар билан ҳам ва ишлаб чиқариш шароитлари қулай бўлган бошқа минтақалардан олиб келинадиган маҳсулотлар билан ҳам рақобатлашиш имкониятига эга эмаслар, сабаби тегишли равишда ҳудуднинг ўртача ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган таклиф баҳоларидан ва меъёри рентабеллик даражасидан фойдаланишларидир.

Бинобарин, давлат даражасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш каналларини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш зарур, бу ҳам баҳолар диспаритетини камайтиришнинг самарали усули ҳисобланади. Акс ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш каналлари тизими агросаноат мажмуасининг энг заиф бўғини бўлиб қолаберади. Бундан ташқари, сотиш каналлари самарадорлиги пастлиги маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сезиларли даражада йўқотилишига олиб келади, ҳамда маҳсулот етказиб бериш ва хом ашё билан таъминланишнинг мавсумийлиги туфайли янада ортади.

Агросаноат мажмуаси сотиш каналлари самарадорлигини ошириш учун жаҳон амалиётида муваффақиятли қўлланиладиган қуйидаги принциплардан фойдаланиш мумкин:

-ёпиқ савдо циклини ташкил этиш махсадида агросаноат мажмуаси корхоналарини интеграциялаш. Бу эса ўз набатида воситачилар сонини камайтиради;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи савдо шаклларини фаол ривожлантириш орқали соҳадаги баҳолар даражасига монополиянинг таъсирини сезиларли даражада камайтиришга эришилади;

-давлат буюртмалари амалиётидан фойдаланиш;

-ички бозорни тартибга солиш механизми сифатида агросаноат мажмуаси корохналарини интеграциялаш услубларини такомиллаштириш ва улардан фаол фойдаланиш.

сАгросаноат мажмуасида баҳолардаги диспаритетни камайтириш бўйича такидланган йўналишларнинг самарадорлигига ички озиқ-овқат бозори ташқи бозорлардан ажратилган тақдирдагина эришиш мумкин бўлади. Бизнинг фикримизча, агросаноат мажмуаси соҳалари ўртасидаги мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари ишлаб чиқариши кучларнинг барқарор ва динамик ривожланишига йўл бермаяпти.

Агросаноат мажмуаси базоридаги иқтисодий муносабатлар тизимида баҳо механизми тубдан такомиллаштиришга муҳтож. Аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид баҳолари ва саноат корхоналари маҳсули бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи баҳолари нисбатида ҳам, динамикасида ҳам баҳолар паритетни таъминлаш зарур.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларининг улгуржи баҳоларининг ҳар қандай ўсиши ушбу маҳсулотларни харид баҳолари кўтарилиши билан тўлиқ қопланиши керак. Агросаноат мажмуасининг ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотларининг чакана баҳоларига келсак, улар харид баҳолари даражасидан пастроқ бўлиши мумкин ва ўртадаги фарқ эса давлат ёки маҳаллий бюджетлар томонидан қопланиши зарур.

Шунингдек, давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ташқи савдо шартларини ва уларнинг ташқи бозорларга кириб боришини соддалаштириш зарур.

Мамлакат агросаноат мажмуасидаги баҳолар диспаритетини бартараф этиш учун республика ва унинг ҳудудлари миқёсида қуйидаги чораларни кўриш зарур: - республика агросаноат мажмуасининг замонавий моддийтехника базаси яратиш ва қишлоқ хўжалиги бозорининг инфратузилмасини шакллантириш; - импорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини демпинг баҳоларда республика бозорига киришини олдини олиш бўйича самарали усулларни ишлаб чиқиш; - қишлоқ хўжалиги хом ашёси

ва озиқовқат маҳсулотларининг ижтимоий аҳамиятга эга турларига баҳоларнинг максимал даражасини белгилаш; - маҳсулотлари қайта ишлаш учун сотиб олинадиган агросаноат мажмуаси корхоналари учун бюджет маблағлари ҳисобидан баҳолардаги фарқни қоплаш.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

1. Добрынин В.А. Актуальные проблемы экономика АПК. // Москва – “Колос” 2001. – 381 с.

2.Каюмов Ф.К. АПК в условиях перехода к рынку: Общие и региональные проблемы. – //М.: ИПО “Полигран”, 1992 – 160с.

3. Каюмов Ф.К. роблемы современного этапа. //Ташкент: Изд. НТП,1989. 43 с.

4. Каюмов Ф.К. и др. О росте цен на сельскохозяйственную технику и мерах по совершенствованию метода определения договорной цены // Журнал. Механизация хлопководства, 1990, № 12. С. 1–3.

5. Минаков И. А., Куликов Н. И., Соколов О.В.и др.; Экономика отраслей АПК— // М.: Колос, 2004. — 464 с.

6. Murtazayev O., Ahrorov F.B. Qishloq xo’jaligi iqtisodiyoti. //T.: – “ILM ZIYO” 2017. – 416 bet.

7. Петренко И.Я., Чужинов П.И. Экономика сельскохозяйственного производства – //Алма –Ата: Кайнар, 1992. – 560 с.

8. Сидоров В.А., Кузнецова Е.Л., Болик А.В. Общая экономическая теория: учебник для студентов высших учебных заведений [Электронный ресурс]: электронное учебное издание / В.А. Сидоров, Е.Л. Кузнецова, А.В. Болик [Элек-трон. дан. (6,2 Мб)]. Майкоп: ООО «ЭлИТ», 2017.

9. Тангиров А.Э., Нурманов Ш.Х. Баҳо шаклланишининг назарий масалалари. //Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари: замонавий амалиёт ва инновацион технологиялар республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Самарқанд, 2020 йил 408-410 бет.

10.Тангиров А.Э., Нурманов Ш.Х. Қишлоқ хўжалиида баҳо шаклланишиниг хусусиятлари. //Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш истиқболлари: замонавий амалиёт ва инновацион технологиялар республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Самарқанд, 2020 йил 428-431 бет.

11. Хушматов н., Файзуллаева т. Грек ёнғоғи етиштиришда баҳо шаклланиши ва бозорнинг ўзгарувчанлик хусусиятлари. //AGRO ILM журнали.
– Тошкент, 2019. №5. 105-107 бет.